Ов маросими ва унинг ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнларга оид бир қатор жиҳатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, ов сафари хоннинг махсус фармони асосида уюштирилган. «Фирдавсул-иқбол»да қайд этилишича, Муҳаммад Раҳимхон I даврида бир йилда икки-уч марта шикорга, яъни овга чиқишга буйруқ берилган<sup>25</sup>. Айниқса, овнинг ташкил этилиши, у ерда амал қилиш лозим бўлган тартиб-қоидалар ҳам хон фармонида қайд этилган. 1267/1850 йилда Муҳаммад Аминхоннинг Таукар кўлининг қирғоқларидаги ов сафари вақтида, унга яқин бўлган мансабдорлар хоннинг «ов вақтида халақит бермаслик» ёрлиғига биноан, унинг олдига бориша олмаганлиги юқоридаги ҳолатга мисол бўла олади<sup>26</sup>.

Шу билан бирга, хон фармонига амал қилинмаган ҳолатлар ҳам тарихдан маълум. Хусусан, «шикоргоҳда киши юрмасин» ёрлиғи<sup>27</sup> бўлганлигига қарамай, Оллоқулихон томонидан ов уюштирилган ҳудудда Мустафо исмли қочоқ Эрон асири тутиб олиниб, афв этилганлиги тўғрисидаги маълумот диққатга сазовордир. Маросимга таклиф қилинган рус элчиси Е.П. Ковалевский<sup>28</sup> ўз хотираларида қайд этишича, хон тутқунни кечириб, ҳатто, унга хазинадан 10 тилла беришни буюрган. Воқеанинг бундай ижобий яқун топганлиги нафақат хорижлик сайёҳни, балки қолганларни ҳам ҳайратда қолдирган эди. Е. П. Ковалевский бу воқеани шарҳлар экан, «хон менинг олдимда ўзининг саховатини кўрсатиб мақтанмоқчи бўлгандир ёки эронлик асирлар хон армиясининг аскар қисмларини ташкил этганлигини ўйлаб иш қилгандир, билмадим, ҳар қалай Оллоқулихоннинг бунақа олийҳиммат хислатлари кам эмас эди», деб қайд этган<sup>29</sup>.

Шунингдек, хон ёрлиқларида ов вақтида ҳамма биргаликда, битта ошхонадан овқатланишининг лозимлиги буюрилган бўлиб<sup>30</sup>, бу ов иштирокчиларининг бошбошдоқлик, ўзбилармонликларига йўл қўймаслик, тозалikka риоя қилиш ва исрофгарчиликнинг олдини олишга ёрдам берган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Ов маросимлари бир неча ой давом этган бўлиб, сафар чоғида давлат бошқарувини ишончли қўлларга топшириб кетиш ҳукмдордан

<sup>25</sup> М у н и с ва О га ҳ и й. Фирдавс ул-иқбол ... 298-бет.

<sup>26</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении. М.—Л., 1938. 525-бет.

<sup>27</sup> А б у л ғ о з и й. Шажарайи турк ... 97-бет.

<sup>28</sup> Е.П. Ковалевский 1839—1842 йилларда Оллоқулихон саройига ташриф буюрган рус элчиси. Рус тилшуноси, тоғ-кон инженери, дипломати, тарихчи ва ёзувчи. У сафар чоғида ҳар бир воқеа ва ҳодисани синчковлик билан ўрганиб қайд қилиб борган.

<sup>29</sup> К о в а л е в с к и й Е. П. Собрание сочинений. Странствователь по сушам и морям. Т. III. Часть. I. Санкт-Петербург, 1871. 118-бет.

<sup>30</sup> М у н и с ва О га ҳ и й. Фирдавс ул-иқбол ... 263-бет.

алоҳида маҳорат ва тажриба талаб қилган<sup>31</sup>. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон I 1224/1807 йилнинг 27 декабрь кундаги ов сафари олдидан амири кабир Кутлимурод иноқни ноиблик вазифасига тайинлаб, Юсуф меҳтар, Муҳаммад Амин оқо, Муҳаммад арбоб ва Яқуб оқоларни унинг хизматига белгилаб кетган<sup>32</sup>.

Ов маросимини уюштириш ишлари бўйича ҳам масъул шахс тайинланган бўлиб, бу вазифа «амири шикор» зиммасига юклатилган<sup>33</sup>. Манбаларда келтирилган маълумотлар хон шикорини ташкил этишда иштирок этувчи мутасаддиларнинг сони 40 тагача етганлигини кўрсатади<sup>34</sup>. Уларнинг сонига қараб ҳам ушбу тадбирнинг миқёси ва аҳамияти ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Шу жиҳатдан хонликда ов — шикор маросимини ташкил этиш учун хон хизматига «одам бериш» — аҳоли томонидан давлатга ўтаб берадиган мажбуриятлардан бири сифатида алоҳида назорат қилинган. XIX асрнинг биринчи ярмида хон талабига кўра, бу сафарга кўпроқ қорақалпоқ уруғлари сафарбар этилган. Бу масалага эътибор қаратган М. И. Иванин Оллоқулихон даврида (1825–1842) хон буйруғи асосида Хива хонлигида яшовчи қорақалпоқларга урушга ва овга чиқиш мажбурияти юклатилганлигини таъкидлайди<sup>35</sup>. Хоннинг ҳар йили кузда Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларга ов сафарини уюштирганлиги бунга сабаб бўлиши мумкин.

Овда моҳирлигини кўрсатган овчи солиқлардан озод этилиб, ҳатто, моддий мукофотларни ҳам қўлга киритган<sup>36</sup>. Ов иштирокчилари махсус ов кийимларини кийишган. Ов кийимлари қулай бўлиши

<sup>31</sup> Хонлар нафақат ов маросими сафарига чиққанда, балки ҳарбий юришга отланган вақтларида ҳам иноқ вазифасидаги кишини пойтахтга қўйиб, унга ёрдамчи лавозимлар тайин қилган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон I нинг 1224/1807 декабрь ойидаги ҳарбий юришидан олдин давлат бошқаруви иноқ вазифасидаги Кутлимуродга, унга ёрдамчилик вазифаси эса Ҳожи Мурод бий, Муҳаммад Амин оқо ва Муҳаммад арбобларга юклатилган. *Қаранг:* Материалы по истории туркмен и Туркмении ... 375-бет.

<sup>32</sup> М у н и с в а О г а ҳ и й. Фирдавс ул-иқбол ... 260, 298-бетлар. Бундай маълумотлар хорижий сайёҳларнинг «Сафарнома»ларида ҳам учрайди. *Қаранг:* Муравьев в Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819–1820. Ч. II. Москва, 1822. 55-бет.

<sup>33</sup> Бу лавозим эгаси хон ва султонлар овларини уюштириб туриши керак эди. Ов бўладиган ҳудуд атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг ўз от-улови, қурол-аслаҳаси билан келиб, овга ёрдам бериш, улар қўниб қолганларида қўноқ ҳамда озиқ-овқатлар билан таъминлаш ишлари ҳам амири шикорнинг вазифасига кирган.

<sup>34</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении ... 331-бет; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... 96, 184-бетлар.

<sup>35</sup> И в а н и н М. И. Хива и река Амударья. Санкт-Петербург, 1873. 53-бет.

<sup>36</sup> Набиев Н. Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худоярхана). Тошкент: «Фан». 1973. 160-бет.

билан бир қаторда, қимматбаҳо матолардан тикилган. Хусусан, Хива хони Сайид Муҳаммадхон даврида (1856—1864) хонқалик бир бекнинг лочин овига отланган ўртоғи кийиб олган ов кийими тасвирланар экан, унинг оддий кийимларга ўхшамаслиги, жумладан, ҳар хил ипакдан катта гуллар солинган ҳашаматли тўни, сариқ теридан тайёрланган кенг иштони, белбоғидаги катта пичоқ ва камарининг ён тарафида бир неча кичик пичоқлар тақилганлиги қайд этилган<sup>37</sup>.

Ов сафарининг ўзига хос жиҳатларидан бири азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш амали бўлган. Манбадаги маълумотлар шуни кўрсатадики, бу одат ҳар бир ов маросими жараёнида амалга оширилган<sup>38</sup>.

Зиёрат амалларидан сўнг хон ўз мулозимлари билан бирга олдиндан белгиланган манзилда тўхталган. Лекин, шу ўринда таъкидлаш лозимки, тахт вориси ва шаҳзодалар исталган фуқаро хонадонига ташриф буюриши тақиқланган. «Шажарайи турк» да келтирилишича, Ақатоёхон (1547—1556) ўн беш ёшли ўғли Темур султонни фуқаронинг уйида меҳмон бўлганлиги учун юз қамчи билан жазолаган<sup>39</sup>.

Ов сафарида амалга оширилган давлат тадбирларидан яна бири маҳаллий амалдорларнинг ўзаро муносабатлари, жойлардаги ички вазият ва уни барқарорлаштиришга қаратилган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон I Арнак қири ҳудудларига уюштирган ов сафари чоғида ўзаро бир-бири билан зиддиятлашган маҳаллий қозоқ каххудоларини (оқсоқолларини) яраштириб, сарупой кийдирганлигини мисол келтириш мумкин<sup>40</sup>.

Хива хонларининг ов сафари юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирган И.Н. Веселовский ов қилиш ўша даврда [Оллоқулихон даври (1825—1842) — Д.Б.] хонлик ҳудудларини айланиб чиқиш ҳисобланганлигини алоҳида қайд этиб ўтган<sup>41</sup>.

Шунингдек, ов маросимини жиддий сиёсий тадбир сифатида хорижий элчиларни қабул қилиш маросимининг норасмий кўриниши деб баҳолаш мумкин. Одатда, хориждан келган элчилар ов сафарига таклиф қилинган. Албатта, бундан турли мақсадлар кўзда тутилган

<sup>37</sup> Дмитриева Л. Е. По Средней Азии. Записки художника. Санкт-Петербург, 1894. 74-бет.

<sup>38</sup> Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... 262, 268, 411-бетлар.

<sup>39</sup> Абулғозий. Шажарайи турк ... 148—149-бетлар.

<sup>40</sup> Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... 411-бет.

<sup>41</sup> Веселовский И. Н. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... 318-бет.

бўлиб, кўп ҳолатларда саройда муҳокама қилиш имкони бўлмаган «нозик масалалар» хусусида сўз юритилган. Аммо, баъзи хорижликларнинг ов таклифини қабул қилмаганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, 1841 йилда Оллоқулихон хузурига ташриф буюрган рус капитани Никифоров турли баҳоналар билан йигирма беш кунлик ов сафарини рад этган<sup>42</sup>. Элчининг ов таклифини қабул қилмаганлигини турлича таҳлил қилиш мумкин. Икки давлат ўртада тузиладиган декларацияда<sup>43</sup> бир битимга келиша олмаганлиги ёки тадқиқотчи О. Муталов таъкидлаганидек, элчи хулқидаги салбий ҳислатлар (қўполлик ва манманлик) бунга сабаб бўлиши мумкин<sup>44</sup>.

Ов маросими давлатнинг маъмурий-бошқарув тизимида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у жойларда ўзига хос «арз маросими»<sup>45</sup> вазифасини ўтаган. Жумладан, «Зубдату-т-таворих» да Раҳимқулихон (1843–1846) нинг ов сафари ҳақида маълумот берилар экан, Тошҳовузга келганда хоннинг «фуқаро ва ажазанинг арзи аҳволин эшитмак» билан машғул бўлганлиги қайд этилган<sup>46</sup>. Манбада 1233/1817 йилнинг 18 ноябрида Муҳаммад Раҳимхон I нинг Бадркентдаги ов сафари чоғида ҳам у ҳақда «ҳар куни фуқаро ва гурабонинг арзи аҳволин истифсор»<sup>47</sup> этди» деб келтирилган<sup>48</sup>. Оллоқулихоннинг ов сафарлари чоғида ҳам «арз маросимларини» ўтказганлиги борасида маълумотлар мавжуд<sup>49</sup>. Шу ўринда, ов сафарида «арз маросими»нинг ташкил этилиши чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли учун катта қулайлик туғдирганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Жойларда ташкил этилган бундай «арз маросимлари» турли масалаларнинг нисбатан қисқа муддатда ва тўғридан-тўғри ҳал этилишига имкон яратган.

<sup>42</sup> Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии. Т. I. Санкт-Петербург, 1906. 186-бет.

<sup>43</sup> Рус давлати вакилининг асосий вазифаси Хива ва Россия ўртасидаги савдо алоқасини тиклаш, хонлик ҳақида топографик ва стратегик маълумотларни тўплаш ва қўлчиликни тугатишга ва рус асирларини ватанига қайтаришга, рус савдо агентини қолдиришга Хива хонини кўндириш, Россия тобелигига ўтган қозоқларга ҳужум қилмаслик шартларига келишиш эди.

<sup>44</sup> Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент: Ўз. ФА. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Тошкент: «Ofset-PRINT», 2005. 102-бет.

<sup>45</sup> Арз маросими — аҳоли барча табақа вакилларининг арз-долларини тинглаш учун хон томонидан уюштириладиган расмий қабул маросими.

<sup>46</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... 181-бет.

<sup>47</sup> Истифсор — изоҳ сўраш, сўраб билиш. Қаранг: Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... 203-бет.

<sup>48</sup> Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... 430-бет.

<sup>49</sup> Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ... 19-бет.

Кўриниб турибдики, ов маросими ва унинг ташкил этилиши ўзига хос босқич ва амаллардан ташкил топган. Жумладан, ов сафари ҳукмдорнинг махсус фармони асосида уюштирилган бўлиб, бу муддатда хонлик бошқарувига вақтинчалик амалдорлар тайинланган. Кўпчилик мутасаддилар иштирокида уюштирилган ов маросимини ташкил этишга «амири шикор» масъул бўлган. Шунингдек, овни ташкил этишда иштирок этиш аҳолининг маълум қисмига махсус мажбурият тури сифатида юклатилган бўлиб, айниқса, Амударё бўйида истиқомат қилган қорақалпоқ уруғлари бу тадбирга кенг жалб этилган.

Ов сафарида зиёрат амалининг бажарилиши муҳим ҳисобланган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ов маросими — хорижий элчиларни қабул қилишнинг норасмий кўриниши ҳисобланган. Айниқса, ов сафари чоғида уюштирилган «арз маросими» чекка ўлкалар аҳолисига катта қулайлик туғдирган.

Шундай қилиб, «ов маросими» шаҳзодаларнинг бошқарувчилик салоҳиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Бундай маросимлар уларни нафақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлигини ошириш, балки шароитдан келиб чиқиб, кутилмаган вазиятларда оқилона ҳукм чиқариш ва тўғри қарор қабул қилишни ўргатишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, сўнги ўрта асрларда Хива хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги жараёнлар турли маросимларда ўз аксини топган. Уларни ўрганиш орқали Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида юз берган ҳодисаларни, содир бўлган ўзгаришларни кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан, мақолада кўрилган масала Хива хонлиги тарихининг кам ўрганилган муаммоларидан бири сифатида маълум даражада бу борадаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Узоқ тарихий илдизларга эга бўлган ушбу маросимлар ёш шаҳзодаларни ҳам маънавий-руҳий, ҳам ҳарбий-жисмоний жиҳатдан камол топтиришда, уларни давлат бошқарувига тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Ўз ўрнида, олинган масала бугунги ёш авлодни етук шахслар қилиб етиштиришда, уларни тарихий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

*Д. БЕГАЛИЕВА*

**ХИВА ХОНЛАРИ САРОЙИДА ШАҲЗОДАЛАР ТАРБИЯСИНИНГ  
АЙРИМ АНЪАНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Мақолада сўнги ўрта асрларда Хива хонлигида тахт ворисини танлаш, шаҳзодаларнинг маънавий-руҳий ва жисмоний камолоти, уларни давлат бошқарувиغا тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

*Калит сўзлар:* Хива хонлиги, тахт ворислари, тарбия, ов маросими, олтин қабақ, садоқ тўйи.

*Д. БЕГАЛИЕВА*

**НЕКОТОРЫЕ ТРАДИЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВОСПИТАНИЯ  
ДВОРЦОВОЙ ЭЛИТЫ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ**

В статье рассмотрены вопросы воспитания и подготовки наследников престола, а также характерные черты, формировавшиеся в процессе военно-политических мероприятий и обрядов в Хивинском ханстве в позднесредневековой период.

*D. BEGALIYEVA*

**SOME TRADITIONAL FEATURES OF EDUCATION  
AND TRAINING OF ROYAL ELITE IN THE KHANATE OF KHIVA**

The article investigates some issues relating to education and training of the heirs/successors to the throne, as well as the characteristics which were formed through political and military ceremonies in the khanate of Khiva in the early modern period.



О. ТАНГИРОВ

**ТОШКЕНТ «ЭСКИ ШАҲАР» АҲОЛИСИ ИЖТИМОИЙ  
ҲАЁТИГА ДОИР АЙРИМ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР  
(XIX асрнинг 70-йиллари мисолида)**

Ўрта Осиёнинг стратегик маркази саналмиш Тошкент шаҳри XIX аср 60-йилларининг иккинчи ярмида Россия империяси мустамлакачилари томонидан Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилди. XIX асрнинг 70-йилларида маҳаллий аҳоли ҳаёти учун янги бўлган империя маъмуриятининг қонун-қоидалари амалга оширила бошланди. Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида турли хил халқлар истиқомат қилиши янги тартибларни жорий этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тошкент шаҳрида турли миллат вакиллари яшаши империя маъмуриятининг уни назорат қилишига қўл келади. Чунки империянинг «бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш» анъанасига бундай ҳолат мос келарди. Бироқ шаҳарнинг асосий аҳолиси саналган ўзбеклар бошқа халқлар: қozoқлар, ҳиндлар, татарлар, яҳудийлар каби миллатлар билан асрлардан буён биргаликда яшаб келишган ҳамда муштарак муносабатлар ўрнатган. Шунингдек, уларнинг урф-одатлари, маданиятлари, яшаш шароитларида ўзига хос бирлик ва яқинлик шаклланиб улгурган. Бу ҳол шаҳар аҳолиси орасида муштарак маданият ва турмуш тарзини ҳосил қилган. Шаҳарнинг этник ўзгаришларидан яна бир жиҳати, Тошкентга ҳар йили Марказий Осиёнинг бошқа жойларидан ҳам одамлар келиб маълум муддат истиқомат қилишган. Масалан, бухоролик, қошғарлик ва ҳоказо. Архив маълумотларида, бухоролик Мирза Шамсбой деган кишининг Себзор даҳасидаги ҳовлиси тўғрисида маълумотлар келтирилиб, у ҳовлида шаҳрисабзлик Абдурасул қори яшаганлиги ва уй эгасининг ўзи иш юзасидан Қошғарда истиқомат қилганлиги келтирилган<sup>1</sup>.

Миллий бирликлар шаҳарнинг турли даҳаларида истиқомат қилишса-да, улар ўзига хос бошқарув структурасига эга бўлишган. Бу уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бунга Тошкент шаҳар ҳокимига қилинган ушбу арзномани мисол келтириш мумкин: *«Российский ҳокимимизга биз Тошкент ичиндаги қозoқ фуқаролар тубанда исмларимизни ёзиб ўтуниб сиз ғайратлимиздин тилаймиз. Эрдона Қустон ўғлини бизларнинг устимиздин қараб турмоқини тайин*

<sup>1</sup> ЎзР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 1058-иш, 95-варақ.

қиливунгизни»<sup>2</sup>. Ушбу арзномага 38 нафар кишининг исми ва «қўлим қўйдим» ёзуви битилган. Худди шунга ўхшаш мурожаатлар билан шаҳар ҳокимига яҳудийлар ҳам ўз тиллари ва ёзувларида мурожаат билан чиқишган<sup>3</sup>. Демак, шаҳарнинг «эски шаҳар» қисмида истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ҳолда ҳаракат қилишган. Зеро, аҳоли таркибида асосий туб жой аҳолиси саналган ўзбеклар билан бошқа халқлар ўртасида катта тафовут бўлса-да, миллатлараро тотувликка зарар етмаган. Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида истиқомат қилувчи халқларнинг статистикасини қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин.

1-жадвал

1877 йилги Тошкент «эски шаҳар» аҳолисининг этник таркиби<sup>4</sup>

Халқлар Даҳалар	Ўзбеклар		Қозоқлар		Ҳиндлар		Яҳудийлар		Нўғой (татар)лар		Бухороликлар		Қошгарликлар		Бошқа халқлар	Жами
	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	
Эркак ва аёл	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а	э	
Бешёғоч	4562	5636	115	152	35	—	14	16	4	5	15	—	20	33	200	10807
Кўкча	6450	6225	165	116	—	—	75	35	190	120	95	—	15	—	—	13486
Шайхонтоҳур	7266	7321	152	30	2	—	30	12	40	15	75	—	—	—	—	14943
Себзор	6625	5650	17	30	93	—	13	11	25	21	4	2	—	—	173	12664

Жадвалдан шунинг англаш мумкинки, ҳар хил миллатларнинг жойлашуви даҳалар бўйича ҳам турли кўринишларга эгадир. Масалан, татарлар кўпроқ Кўкча даҳасида яшашган, ҳиндлар эса Себзор даҳасида, ҳатто, қозоқлардан ҳам кўпроқ нуфузга эга бўлишган.

Кейинги йилларда аҳолининг таркиби кескин ўзгариб борди. Тошкентнинг «эски шаҳар» қисми ҳудудида, асосан, юқорида кўрсатилган миллатлар яшашда давом этган. 1892 йилда Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида аҳоли таркиби қуйидагича кўринишда бўлган.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 634-иш, 18-варақ.

<sup>3</sup> ЎЗР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 1182-иш, 24-варақ.

<sup>4</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

2-жадвал

1892 йилда Тошкент «эски шаҳар» аҳолисининг этник таркиби<sup>5</sup>

Халқлар	Эркаклар	Аёллар	Ўғил болалар	Қиз болалар
Ўзбеклар	34626	31096	16544	14014
Қозоқлар	149	250	145	127
Татарлар	152	100	115	29
Яҳудийлар	200	144	36	40
Ҳинд ва қошғарликлар	39	12	17	14
Бухороликлар	4	3	3	3
Жами	35170	31505	16860	14297

Жадвалдан «эски шаҳар» ҳудудида яшовчи барча халқлар сонининг ўсиш даражаси бир хил суръатда бўлганлигини кўриш мумкин. Таққослаш мақсадида шаҳарнинг аҳолиси бўйича тадқиқотлар олиб борган тарихчи И. Муллажоновнинг изланишлари натижасини қуйидаги жадвал орқали тасвирлаш мумкин<sup>6</sup>.

3-жадвал

30 йил давомида шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати

Йиллар	1869	1876	1882	1884	1902
Тошкент шаҳри бўйича	73800	59400	68400	90100	164200
Бешёғоч	14300	10600	12600	16800	30000
Кўкча	22900	13500	14600	16800	32800
Себзор	15000	12700	14600	19700	33500
Шайхонтоҳур	18700	15000	14400	21500	34500
Янги шаҳар қисмида	2100	7600	12200	13000	33400

<sup>5</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рўйхат, 3391-иш, 73–75-варақларда келтирилган маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

<sup>6</sup> Муллажонов И. Население Ташкента. Ташкент: «Укитувчи», 1983. 10-бет.

Ушбу жадвалдан шуни англаш мумкинки, XIX асрнинг 70-йилларида Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида аҳоли сони олдинги кўрсаткичларга нисбатан бироз камайган. Буни аҳолининг шаҳар ташқари-сидаги мавзеларга кўчиб кетиш ҳоллари билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Россия империяси шаҳарни ўз назоратига олгач, янги шаҳар қисмини ташкил этиш ва империянинг марказий ҳудудларидан аҳолини кўчириб келиб жойлаштириш тараддудига киришди. XIX асрнинг 70-йилларида бу ишлар бошлаб юборилган эди. Маҳаллий аҳоли яшайдиган Тошкент шаҳрининг асосий қисмида аҳолининг ўсиш суръати йиллик ўлим ва туғилиш даражаси билан боғлиқ эди. Бунда уйланиш даражасини ҳам эътиборга олиш фойдадан холи эмас (4-жадвал).

4-жадвал

1877 йил Тошкент шаҳри даҳалари бўйича ўлим ва туғилиш даражаси<sup>7</sup>

	Себзор	Бешёғоч	Кўкча	Шайхон-тохур	Жами
Уйланган эркаклар	115	77	115	200	507
Туғилганлар	650	156	95	250	1151
Вафот этганлар	335	80	110	115	640

Жадвалда кузатилганидек, 70-йилларнинг 2-ярмидан эски шаҳар бўйича аҳоли сонининг ўса бошлаганини кўриш мумкин. Бироқ даҳаларда ҳам тафовутлар бор бўлиб, масалан, Кўкча даҳасида йиллик ўлим даражаси туғилишдан юқори кўрсатилган. Бунинг асосий сабаби юқумли касалликлар оқибати бўлиши мумкин.

«Эски шаҳар» аҳолиси турли миллат вакиллари билан иборат бўлса-да, биргаликда ҳунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончилик каби соҳалар билан шуғулланган. Аммо XIX асрнинг 70-йилларида аҳолининг асосий даромад манбаи деҳқончилик бўлган деб айтиш мумкин. Чунки бу даврда асосий корхоналар оддий, фақат шаҳар аҳолиси эҳтиёжи учун маҳсулотлар етказиб берган. Буни қуйидаги жадвал асосида кузатиш мумкин.

<sup>7</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган 1877 йилги маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

5-жадвал

1877 йилда Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида жойлашган корхоналар  
ва уларда ишловчилар сони<sup>8</sup>

Даҳа-лар	Себзор		Беш-ёғоч		Кўкча		Шайхон-тоҳур	
	сон	ишчи-лари	сон	ишчи-лари	сон	ишчи-лари	сон	ишчи-лари
Кўнчилар	3	6	3	9	45	45	—	—
Ёғжувоз	25	25	30	35	35	35	35	—
Шам	33	66	2	4	3	—	1	—
Ғишт	—	—	15	40	9	27	3	—
Бўёқчи	17	—	9	—	5	—	25	—
Ипак	2	—	6	6	—	—	—	—

Шаҳарда корхоналарнинг жойлашуви ҳар хил кўринишда бўлиб, шам ишлаб чиқариш Себзорда, кўнчилик Кўкчада, ғишт ишлаб чиқариш Бешёғочда ривожланган. Шунини маълумот сифатида келтириш мумкинки, 1897 йилда бутун шаҳар бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг 29,5% ҳунармандчилик ва саноат билан шуғулланган, 17,8 % савдо-сотиқ билан, 8,1% қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган ва 15,8 % ҳарбийлардан иборат бўлган<sup>9</sup>.

Шаҳар аҳолиси истиқомат қиладиган уйларнинг асосий қисми чўбиндан, яъни ёғочни териб пахса ёки гувала билан кўтариб лойсувоқ қилинган. Омма эҳтиёжи учун зарур бўлган иморатлар орасида кўп йиллик тарихга эга бўлган мадрасалар ва масжидлар пишиқ ғишдан қурилган. Баъзи пишиқ ғишдан қурилган иморатлар қаровсиз қолганлиги туфайли ҳеч ким яшамайдиган жойга айланиб қолган. Қуйидаги жадвал орқали шаҳардаги иморатлар сонининг статистикасини кўриш мумкин.

<sup>8</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган 1877 йилги маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

<sup>9</sup> Му л я д ж а н о в И. Население Ташкента. Ташкент: «Укитувчи», 1983. 11-бет.

Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмидаги иморатлар сони<sup>10</sup>

	Себзор		Бешёғоч		Кўкча		Шайхон-тоҳур		Жами	
	Ғишт-лик	чўбин	Ғишт-лик	чўбин	Ғишт-лик	чўбин	Ғишт-лик	чўбин	Ғишт-лик	чўбин
Масжид	5	62	3	51	3	57	3	59	14	229
Мадраса	4	—	3	—	3	—	2	1	12	1
Мактаб	—	33	3	15	—	15	—	—	3	63
Ҳовли-иморат	5	3007	—	2845	—	2964	—	4900	5	13716
Одам яшамайдиган уй	17	—	—	5	—	—	—	—	17	5
Дўкон	—	1553	—	—	—	425	—	35	—	2013
Сарой	2	6	—	—	—	4	—	2	2	12
Отхона	—	12	—	—	—	20	—	—	—	32
Омборхона	—	15	—	—	—	6	—	—	—	21
Жуҳуд масжид <sup>11</sup>	—	—	—	—	—	1	—	—	—	1

Жадвалда кўрсатилганидек, шаҳарнинг асосий иморатлари чўбиндан қилинган, асосан, масжид ва мадрасалар ғишдан қурилган эди. Одам яшамайдиган уйлар деганда, фақат ҳовли жойлар эмас, фойдаланилмай қолган бошқа иморатлар ҳам назарда тутилган. Ҳовлилар бир-бирига тутшиб кетган уйлардан иборат бўлган.

Шаҳар 12 дарвозали девор билан ўраб олингани учун деворнинг ичкари қисмида ерлар танқис бўлган. Экинлар, асосан, девор ташқарисидаги мавзеларда экилган бўлса-да, шаҳар ҳудудида ҳам энг зарур

<sup>10</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-руйхат, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган 1877 йилги маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

<sup>11</sup> Яҳудийлар ибодатхонаси.

экинлар экилган. Кўпроқ ерлар боғлардан иборат бўлиб, чорва учун асосий озуқа беда бўлган. Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмидаги асосий ерларни қуйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин.

7-жадвал

Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмидаги ерлар (таноб ҳисобида)<sup>12</sup>

	Себзор	Бешёғоч	Кўкча	Шайхон-тохур
Ҳовлилар ўрни	365	858	385	2000
Боғ ва йўнғичқа	1700	610	3110	749
Экин жой	907	335	4427	1126
Бўш ерлар	1305	655	—	1165
Вақф жой	513	—	1042	2036
Масжидга қараган ер	10	11	50	20
Бозорлар ўрни	30	15	—	—

Жадвалдан шуни англаш мумкинки, ҳовлилар Шайхонтохурда кўпроқ бўлган бўлса, экин жойлар, бозорлар ўрни Кўкча даҳасида, фойдаланмайдиган бўш жойлар Себзор даҳасида кўп бўлган. Асосий экинлар шаҳар ташқарисидаги мавзеларда экилган. Шаҳарни ўраб турувчи деворнинг ички қисмида халқ эҳтиёжи учун керак бўлган экинлар экилган, улар азалдан аждодлари эгалик қилиб келган мулкдорларга тегишли эди.

Тошкентда ер серҳосил ва унумдор бўлган бўлса-да, бу даҳалар бўйича турли кўринишга эга эди (8-жадвал).

Даҳалар орасида Бешёғоч асосий шоли етиштирувчи ҳудуд бўлган бўлса, арпа Кўкчада, кузги буғдой Шайхонтохурда кўпроқ етиштирилган. XIX асрнинг 70-йилларида картошка экиш ҳам анъанага айланиб улгурган эди.

<sup>12</sup> Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган 1877 йилги маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.

8-жадвал

Тошкентнинг «эски шаҳар» ҳудудида экилган экинлар  
(ботмон ҳисобида)<sup>13</sup>

	Себзор		Бешёғоч		Кўкча		Шайхон-тоҳур	
	экил-ган	ҳо-сил	экил-ган	ҳо-сил	экил-ган	ҳо-сил	экил-ган	ҳо-сил
Кўзги буюдой	80	200	100	300	50	200	200	800
Баҳорги буюдой			10	30	10	30		
Арча	1	5	17	55	30	150	10	40
Мом	4	6	20	50	3	10		
Шола	1	5	35	125				
Картошка	3	15	1	5	1	5	4	16

Деҳқончилик билан бир қаторда шаҳар ҳудудида чорвачилик ҳам ривож топади. Бунда от, эшак, ҳачир ва туялар, асосан, транспорт вазифасини ўтаган бўлса, ситир, қўй ва эчкилар халқнинг гўштга бўлган эҳтиёжини қондирган (9-жадвал).

9-жадвал

Тошкентнинг «эски шаҳар» ҳудудида боқилган чорва сони<sup>14</sup>

	Себзор	Бешёғоч	Кўкча	Шайхон-тоҳур	Жами
Отлар	625	315	990	600	3530
Ситир, ҳўкиз	125	558	1500	800	2883
Қўй-эчкилар	258	45	200/75	122	698
Туялар	62	15	85	15	177
Эшак, ҳачир	205	115	150	55	525

13, 14 Ушбу жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган 36-фонд, 1-рубрика, 1457-иш, 79–85-варақларда келтирилган 1877 йилги маълумотлар асосида мақола муаллифи томонидан тузилди.



Қўй ва эчкилар, асосан, шаҳар ташқарисида боқилгани учун шаҳар ичкарисида камчиликни ташкил этган. Улов вазифасини ўтайдиган уй ҳайвони — от кўпроқ бўлган.

Тошкентнинг «эски шаҳар» аҳолиси ва ҳудудига оид яна кўплаб статистик маълумотларни келтириш мумкин. Лекин ушбу мақолада энг муҳим кўрсаткичларни кўрсатишга ҳаракат қилинди. Юқоридаги статистик маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, XIX асрнинг 70-йилларида шаҳар аҳолисининг этник таркиби, асосан, ўзбеклар, қozoқлар, яҳудийлар, татарлар ва бошқа миллатлардан иборат бўлган ва уларнинг ҳаётида деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ муҳим ўрин тутган.

*О. ТАНГИРОВ*

#### **ТОШКЕНТ «ЭСКИ ШАҲАР» АҲОЛИСИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА ДОИР АЙРИМ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР (XIX асрнинг 70-йиллари мисолида)**

Мақолада Тошкент «эски шаҳар» аҳолиси XIX аср 70-йилларидаги ижтимоий ҳаётининг алоҳида хусусиятларини ифодалаб берувчи баъзи статистик маълумотлар келтирилган. Аҳолининг сони, этник таркиби, эркаклар ва аёлларнинг миқдоридagi тафовутлар, уйланиш даражаси, ер майдонлари, уй ҳайвонларининг турлари ва сони кабилар ҳақида архив материалларига асосланиб аниқ статистик маълумотлар кўрсатиб берилган.

*О. ТАНГИРОВ*

#### **НЕКОТОРЫЕ СТАТИСТИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ О СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ «СТАРОГО» ТАШКЕНТА (70-е годы XIX в.)**

В статье приведены некоторые статистические данные, характеризующие отдельные аспекты социальной жизни населения «старого» Ташкента в 70-е годы XIX столетия. Основываясь на разноплановом архивном материале и систематизируя обширный цифровой материал, автор показывает динамику изменения некоторых показателей: состав населения, этнический и половой состав, объем земельных площадей, количество домашнего скота и др.

*О. TANGIROV*

#### **SOME STATISTICAL DATA ABOUT THE SOCIAL LIFE OF THE «OLD» CITY OF TASHKENT (THE 1870s)**

The article deals with some statistical data characterizing separate aspects of social life of the population of the «old» city of Tashkent in the 1870s. Based on a various archival materials and systematizing the available extensive digital data, the author shows the dynamics of change of such indicators as population structure, ethnic and patrimonial structure, land areas, u ariety of livestock and others.

## ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

М. НАСРИТДИНОВА

К ИСТОРИИ ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ  
МЕЖДУ ЧАЧЕМ И БУХАРОЙ

(на основе нумизматического материала раннего средневековья)

Одной из актуальных и малоизученных проблем истории Средней Азии эпохи раннего средневековья являются этнополитические и династийные связи между оазисами данного региона. Для ее освещения исследователи привлекали, в основном, сведения письменных источников и лишь частично — нумизматический материал. Этим объясняется односторонность суждений и недостаточно компетентная с научной точки зрения интерпретация вопроса. В связи с этим большой интерес представляет нумизматический материал из Чачского оазиса и Бухары.

Согласно сведениям китайских хроник «Суй шу» и «Тан шу» правители *Кан-цзю* (Согд), как и правители ряда областей Средней Азии эпохи раннего средневековья, таких как *Ань* (Бухара), *Цао* (Кабудан), *Ши* (Чач), *Ми* (Маймург), *Хэ* (Кушания), *Хо-сюнь* (Хорезм), *Мао-ди* (Битик, или Вардана?), *Шы-ши* (Кеш), происходили из рода *Чжао-ву*, среди которых главным был дом *Чжао-ву Кан* (Самарканд)<sup>1</sup>. Вопрос о происхождении правящего дома *Чжао-ву* рассматривался в трудах ряда исследователей, исходивших из сведений письменных источников и в силу этого дававших неоднозначные, порой полярные оценки и выводы. Между тем пролить свет на многие вопросы помогут иконография и тамги на монетах историко-культурных областей Средней Азии, общность их сюжетов, символов и легенд.

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М. - Л., 1950. Т. II. С. 310; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. С-Пб., 1903. С. 134; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. Москва, 1970. С. 37; Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related problems // Journal Asiatique, 2003. Т. 291. № 1–2. С. 36–38; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о династических связях Чача и Бухары в эпоху раннего средневековья (на основе нумизматического материала) // Древние цивилизации на Среднем Востоке. Археология, история, культура. Материалы Международной конференции, посвященной 80-летию Г. В. Шишкиной. Москва, 2010. С. 14–16; Отахужаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Ташкент, 2010. С. 66.

Тамги издавна служили в качестве знаков собственности определенного клана на отдельные ценные вещи, скот и уголья, причастности человека или группы родственников к определенной акции: в процессе проведения обрядов при заключении разного рода договоров, связанных с произнесением клятв, религиозных церемоний и др.<sup>2</sup> Тамги на монетах служили символом не только правящих династий, но и основанных ими государств, неся в себе сведения о территории, на которой они правили, об их происхождении (этнической принадлежности). Особый интерес в этом плане представляют тамги, изображенные на некоторых типах монет Чача и Бухары, относящихся к эпохе раннего средневековья. К таковым можно отнести тамгу в виде двух полукружий, соединенных посередине двумя поперечными линиями (Ж), которая была изображена на группе раннесредневековых монет Чачского оазиса. Тамга, схожая с таковыми на монетах Чачского оазиса, имеется на монетах Бухарского оазиса (Ж), также чеканенных в раннем средневековье. При этом немаловажен тот факт, что данные тамги в свою очередь имеют определенное сходство с тамгой (З), нашедшей отражение на монетах Самаркандского Согда<sup>3</sup>, относящихся к концу VI — началу VII в.<sup>4</sup>, которая в отличие от тамг Бухары и Чача не имеет дополнительного элемента справа<sup>5</sup>.

Как известно, схожесть тамг может послужить одним из основных факторов, определяющих принадлежность монет к какой-либо династии. Появление же небольших различий на тамгах (дополнительных элементов, знаков и т. п.) связано со сменой представителей династии или отпочкованием от нее отдельных ответвлений. В основном это было характерно для многих кочевых этносов Центральной Азии. С процессом разделения рода на подразделения появлялась новая тамга, отличавшаяся от предыдущей основной родовой тамги-прототипа лишь наличием дополнительных знаков. Такое по-

<sup>2</sup> Яценко С. А. Знаки-тамги ираноязычных народов древности и раннего средневековья. Москва, 2001. С. 22–23.

<sup>3</sup> Несколько иного мнения о происхождении этих тамг придерживается Дж. Я. Ильясов. По его мнению, тамга (З) на монетах Чача III–V вв. имеет общий генезис с тамгами Самаркандского Согда (см.: Ильясов Дж. Я. Самарканд хукмдорларининг тамгалари / О тамге самаркандских правителей // San'at. Ташкент, 2004. № 3–4. С. 14–16; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв). Ташкент, 2007. С. 84.

<sup>4</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва, 1981. С. 92–97.

<sup>5</sup> Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о династических связях Чача и Бухары в эпоху раннего средневековья (на основе нумизматического материала). С. 14, 16.

ложение характерно даже для тамг правящего рода ряда оседло-земледельческих владений и государств, в частности, для монет Средней Азии, начиная с эпохи Кушан до арабского завоевания. На наш взгляд, генезис тамг как Чача, так и Бухары, возможно, восходит к тамге Самаркандского Согда:  $\mathfrak{K} \leftarrow \mathfrak{Z} \rightarrow \mathfrak{K}$ , что является свидетельством общности происхождения правящих в них династий, скорее всего, относящихся к дому *Чжао-ву*. На данных монетах изображены правители как с монголоидными, так и с европеоидными чертами, хотя большинство из них имеют смешанные черты<sup>6</sup>. Монголоидные черты, в основном характерные восточным тюркам, проявляются на чачских монетах с тамгой среднего и более мелкого размера<sup>7</sup>.

На всех монетах этих трех оазисов правители с монголоидными чертами изображены с округлыми лицами, миндалевидным разрезом глаз, без усов и бороды, но с гривной на шее. При этом для всех характерно наличие своеобразной короткой прически, напоминающей шлем или шлемообразный головной убор, увенчанный полумесяцем на подставке (в Чаче — только на типе монет с данной тамгой крупного размера). Вместе с тем, интересным представляется и такой факт, как наличие слова *z/nyrt* (желтый (бронзовый) или имя правителя)<sup>8</sup> на монетах как Чачского оазиса, так и Самаркандского Согда, имеющих подобные тамги и изображение правителя с монголоидными чертами.

На сегодняшний день бухарские монеты с этой тамгой датируются ранее, чем чачские<sup>9</sup>. Но это не позволяет с полной уверенностью говорить о влиянии чекана Бухары на чачский либо о его самостоятельном происхождении. Возможно это, скорее всего, связано с общностью происхождения династий этих историко-культурных областей, чеканивших монеты с данными тамгами. Относительно датировки монет Чача с подобной тамгой следует отметить, что согласно классификации Г. Бабаярова монеты первого и второго типов предположительно чеканились раньше, чем монеты третьего, и их можно датировать концом VI — началом VII века. Монеты третьего типа

<sup>6</sup> <http://www.sogdcoins.narod.ru> — Chach/Bukhara coins; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв). С. 73–85.

<sup>7</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв). С. 75–79.

<sup>8</sup> Там же. С. 80.

<sup>9</sup> Мусакаева А. О денежном обращении Бухарского Согда (III в. до н. э.—VIII в. н. э.) // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1997. № 9–11. С. 30; Наймарк А. И. О начале чеканки медной монеты в Бухарском Согде // Нумизматика Центральной Азии. Ташкент, 1995 № 1. С. 36–37.

чеканились в течение долгого времени, предположительно с начала VII в. до первой половины VIII в., о чем свидетельствуют наличие шести вариантов и стилизация их монетных легенд. Четвертый тип чеканился непродолжительное время, так как находки монет этого типа малочисленны. Время их чекана — предположительно первая половина VII в.<sup>10</sup>

Сходство тамг, имеющих на монетах этих двух историко-культурных областей, можно объяснить следующим образом. Так, вышеупомянутая тамга (Ж), нашедшая отражение на монетах Чача, отличается от тамг на монетах тюркских династий Чача, таких как Тегины (605–670; Ж) и Тудуны Чача (640–750; Ж)<sup>11</sup>, а также тамг, нашедших отражение на монетах верховных правителей Западно-Тюркского каганата, чеканенных в Чаче (Ж / Ж / Ж)<sup>12</sup>. При этом данная тамга имеет сходство с тамгой в форме Ж, отраженной на монетах, чеканившихся в Чаче в III–V вв., и от которой, не исключено, идет ее генезис. Монеты с данной тамгой чеканились в VI–VIII вв., т. е. после монет с тамгой в форме Ж. Таким образом, если исходить из всего вышесказанного, а также сведений китайских источников, то вероятнее всего, на наш взгляд, что эти монеты чеканились представителями дома Чжао-ву, правившими в оазисе до утверждения здесь власти Каганата. Именно этим объясняется сходство между тамгами, имеющимися на монетах таких историко-культурных областей Средней Азии, как Бухара, Чач и Самарканд, в которых, как известно из письменных источников, в раннем средневековье правили представители дома Чжао-ву. Кроме сходства тамг, следует отметить общие сюжеты и символы, нашедшие отражение на монетах Чача и Бухары. К таковым аналогиям можно отнести наличие изображения хищника семейства кошачьих (барса или льва), двугорбого верблюда (бактриана), алтаря огня и равностороннего креста. Все это можно трактовать как свидетельство культурно-исторического единства этих двух историко-культурных областей в эпоху раннего средневековья.

Относительно же происхождения дома Чжао-ву на сегодня имеется ряд противоречащих друг другу мнений. Так, согласно китайским

<sup>10</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). С. 84–85.

<sup>11</sup> Там же. С. 40–45, 52–55.

<sup>12</sup> Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о Византийском влиянии на иконографию монет Западно-Тюркского каганата // O'zbekiston tarixi. Ташкент, 2008. № 4. С. 4–7.

<sup>13</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. С. 271, 282.

источникам представители дома *Чжао-ву* прибыли в Среднюю Азию из северо-восточной части Восточного Туркестана и имели свое происхождение от Юечжей<sup>13</sup>. В свою очередь, Г. Гибб рассматривал термин *чжао-ву* в качестве названия правившей в Среднеазиатском Междуречье династии, считая ее издревле иранизированной<sup>14</sup>. Некоторые исследователи отождествляют *Чжао-ву* с титулом *ябгу*, комментируя его как оставшееся от юэчжей слово<sup>15</sup>. Ряд исследователей считают, что *чжао-ву* имеет иранское происхождение. Так, согласно Э. Шаванну китайское *чжао-ву* передает имя пайкендского царька شاه و и в нем прослеживается родовое имя согдийских князьков. В. Томашек сопоставляет это слово с иранским именем *Сиявухи*, а К. Ширатори предполагает, что *чжао-ву* передает иранское *schahō*<sup>16</sup>. В настоящее время появилась точка зрения об эфталтском происхождении *чжао-ву* — *чамук*. В свое время Ю. Ёшида, восстанавливая слово *чжао-ву* как \**čamūk* относил его к династийным именам согдийских правителей ряда владений Средней Азии<sup>17</sup>. Однако впоследствии этот исследователь пересмотрел свою точку зрения, и встречающиеся в письменных источниках и нумизматическом материале такие термины, как титулы, эпитеты и др., в том числе и слово *чамук*, он считает эфталтскими по происхождению<sup>18</sup>. При этом исследователь не приводит для них обоснованного толкования и этимологии. Другие исследователи на основании средневекового чтения этого термина как *t'šia-miu* в Танских хрониках усматривают в нем знать Мавераннахра, известного в мусульманских источниках под термином *جومك* — *джамук*<sup>19</sup>. Так, Табари пишет о джамуках: *و هم من عظام الترك* («а они из тюркских азимов», т. е. тюркской знати)<sup>20</sup>. По мнению З. В. Тогана, термин *джамук* по-тюркски звучал как *чамук* или *чумак*, в китайских хрониках он указывается в форме *чумугунь* в качестве рода, возглавлявшего род пяти Тулу Кёк тюрков (т. е. Западно-Тюркского каганата)<sup>21</sup>. Хотя у Табари

<sup>14</sup> Gibb H. A. *Orta Asya'da Arap Futuhati*. Çev. M. Hakki. Istanbul, 1930. P. 7.

<sup>15</sup> Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. С. 30, 36.

<sup>16</sup> Там же. С. 29.

<sup>17</sup> Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems. P. 58–61.

<sup>18</sup> Yoshida Y. Some Reflections about the Origin of *čamūk* // *Papers on the Pre-Islamic Documents and Other Materials Unearthed from Central Asia*. Edited by T. Moriyasu. Kyoto, 2004. P. 129–130.

<sup>19</sup> Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. С. 30, 33.

<sup>20</sup> История ат-Табари. Избранные отрывки. Пер. с араб. Беляева В. И. Дополнения к переводу Большакова О. Г. и Халидова А. Б. Ташкент, 1987. С. 253; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. С. 33–34.

<sup>21</sup> Togan Z. V. *Umumi Türk Tarihine Giris*. Istanbul, 1981. S. 51, 428.

также упоминаются члены (род) *ал-джумукиин*, но, как отмечает О. И. Смирнова, в рассказе речь идет о Бага Таркане, носившем титул *кюльчора* (*курсул* у Табари) джумукиинов, одного из пяти племен Тулу (т. е. Дулу — *М.Н.*), а следовательно, и о предводителях племени джамукиин<sup>22</sup>. Следует отметить, что до сих пор в научной литературе термин *чжао-ву* не имеет однозначного толкования, вопрос об этом продолжает оставаться открытым<sup>23</sup>.

На наш взгляд, отождествление термина *Чжао-ву* с *Джамук* имеет историческую основу. Небезызвестно, что происхождение представителей этого правящего дома, согласно некоторым фактам, связано с Восточным Туркестаном и Юечжами. Однако, как считают некоторые исследователи, они имеют не иранское или чисто тюркское происхождение, а скорее всего тохарское. Подтверждением этому могут служить имена отдельных правителей ветвей дома *Чжао-ву*, в частности, Ферганы. Как отмечал К. Беквит, имена ферганских владетелей *Aluṭār* у Табари — *А-ляо-да* в «Хоу Тан шу» и его предка *А-ляо-цаня* в «Тан шу» (VII в.) содержат в первой части нечто родственное тохарскому *В walo* — «царь»<sup>24</sup> и большинство имен правителей этого дома не могут быть этимологизированы как на иранской, так и на тюркской основе и, возможно, являются тохарскими. Кроме того, наличие изображений правителей и с чисто европеоидными, и монголоидными, и смешанными чертами, возможно, также свидетельствует об их тохарском происхождении. В настоящее время исследователями доказано, что тохары очень длительное время проживали и контактировали с тюрками и в конечном итоге были ассимилированы ими уже в Восточном Туркестане<sup>25</sup>, чем, возможно, и объясняется их такое антропологическое разнообразие. Это подтверждается и изобразительным искусством Кушан, которые, по мнению большинства исследователей, являются юечжами-тохарами, где для изображения людских персонажей также характерны смешанные антропологические черты<sup>26</sup>. Скорее всего, представители дома *Чжао-ву* до прибы-

<sup>22</sup> Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. С. 33.

<sup>23</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). Тошкент, 2010. С. 27–30.

<sup>24</sup> Beckwith С. The Tibetan empire in Central Asia. Princeton, 1987/1993. P. 211–212.

<sup>25</sup> Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык-основа. Картина мира пратюркского этноса по данным языка. Москва, 2006. С. 781–783, 809, 813–815; Rona-Tas A. Tocharische Elemente in den altaische Sprachen? // Sprache, Geschichte und Kultur der altaischen Völker: Protokollband der XII. Tagung der Permanent International Altaistic Conference 1961 in Berlin. S. 499–504.

<sup>26</sup> См.: Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия и Тохаристан (Очерки истории: древность и средневековье). Ташкент, 1990. С. 109.

тия в Трансоксиану были уже сильно тюркизированы. Возможно, поэтому арабы называли Джамуков (Чжаво-ву) «тюркскими азимами».

